

ТўГАРАК РАХБАРЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Қашқадарё вилоят болалар ва ўсмирлар марказида вилоятдаги мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларда фаолият кўрсатган тўғарақ раҳбарларнинг қўриқ-танлови ўтказилди.

Танловда туман ва шаҳарларда голибликни қўлга киритган 17 нафар тўғарақ раҳбарлари қатнашди. Қўриқ-танлов кўргазмалли курашлар, тасвирий санъат намуналарини намойиш эти билан бошланди. Қарши туманидаги 5-ўрта мактабнинг тасвирий санъат тўғарағи етакчиси Фарид Каримова беллашуларда маҳорат кўрсатиб, голибликни қўлга киритди.

Болалар ва ўсмирлар вилоят марказининг лоира тўғарағи раҳбари Нусратулло Аҳмедов, Қасби туманидаги 3-ўрта мактабнинг тасвирий санъат тўғарағи етакчиси Илҳом Шеркуловлар ҳам танловда фаоллик кўрсатиб, мукофотли ўринларга лойиқ топилди.

Энг муҳими бу соҳада ўтказилган тадбир мактаблардаги тўғарақлар ишини замон талаблари даражасида ташкил этишга катта қизиқиш уйғотди, тўғарақ раҳбарларнинг кўнгил билан ишлашларига ундади.

П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жомбой туманида тикланган «Самтекс» тўқувчилик комбинати нафақат Самарқанд вилояти, балки республикадаги йирик корхоналардан бирига айланди.

Бу ерда бир йилда миллион дондан ортиқ болалар ва қатта ёшдаги кишиларга мўлжалланган спорт кийимлари ишлаб чиқилади. «Самтекс» республикамизда Туркиянинг машҳур «Язекс» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилаётган қўшма кор-

хоналардан бири. Шуниси эътиборлики, пахта толасига

ЯНГИ ДАСТХОҲЛАР ЎРНАТИЛМОҚДА

ишлов беришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот чиқаришга бўлган барча технологик жараён шунинг ўзида бажарилади.

Ҳозир комбинат цехларида ускуналарни ўрнатиш учун тайёргарлик қўрилмоқда. Яқинда Туркиядан ўттиз икки контейнерга юкланган ускуналар олинди. Уларда буюқона, йиғирув ва тўқув цехларига мўлжалланган буюқона бор.

Яқинда олинган хабарга кўра Туркиядан ана шу корхона учун яна юз контейнер даст-гоҳлар жўнатилибди.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТРАКТОРЛАР ГАЗДА ЮРАДИ

Грециянинг «Хелас ЛТД» групп ЛТД» фирмаси дунёда машҳур. Мазкур корхона бунёдкорлари Тошкентда қўрилган гугурт ишлаб чиқарадиган ўзбекистон қўшма корхонаси -- «Узэллас»нинг жиҳозларини ўрнатиб беришган эди. Штаб-квартираси Салоника шаҳрида жойлашган фирма игнадан тортиб паровозгача ишлаб чиқариш қувватига эга, шунингдек, турли бунёдкорлик ишлари билан ҳам шуғулланиди. Улар Африка саванналари, Осиё кенгликлариде йўллар қуришган, заволлар тиклашган.

Яқинда мазкур кўп тармоқли фирманинг президенти жаноб Смилко Костич Тошкентга келди. У мамлакатимиз билан йўлга қўйилган ҳамкорликдан мамнуният ҳазор қилиб, бу алоқаларни янада кенгайтириш ниятида эканини билдирди. Экспертларнинг маркентинг таҳлиллари кўп-кўп тармоқларга сармоя солиш икки томон учун ҳам манфаатли эканини кўрсатди. Айниқса, тамаки саноати, меҳмонхона хўжалиги, транспорт ва алоқа кўпроқ қизиқти-раяпти. Грециялик ишбилармонлар қишлоқ хўжалиги, жумладан, трактор-созликда кўплаб янгилек-ларни жорий этиш тараф-дори. Олайлик, қишлоқ хўжалик машиналарини суюлтирилган газ билан ишлайдиган қилиш мумкин. Бундай технология уларда бор.

Марказий Осиё мамлакатлари бозорларига кириб боришни Тошкентдан бошлаш керак, деган қатъий қарорга келган грецияликлар бу ҳудудда имкониятлар текланмаган, деб ҳисоблашмоқда.

Ҳ. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЙ МЕРОС КЕНГАШИ ИШ БОШЛАДИ

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази қўшида ташкил этилган жамоатчилик кенгаши тўбора муайян тизим асосида иш олиб бормоқда. Яқинда маданий мерос кенгаши ўз фаолиятини бошлади. Кенгашда академик Эркин Юсупов, фалсафа фанлари докторлари Жондор Туланов, Омонулло Файзуллаев, Фозилжон Исмоилов, Жумабой Йўлдошев, Усмон Қорабоев, ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов каби зиёлилар иштирок этилди. «Маънавият ва маърифат» маркази ана шундай турли маданий-оммавий тадбирлар муносабати билан зиёлилар қаламжосига, тафаккур масканига айланмоқда.

Зикр этилган кенгашда миллий-маданий мероснинг долзарб муаммолари ҳусусида жонли мунозара бўлиб ўтди. Кенгашни акадмик Эркин Юсупов кириш сўзи билан очар экан, Маънавият марказининг қисқа фурсат орали-ғида маданий меросни ўрганишни мувофиқ-лаштириш соҳасида амалга оширган ишлари ҳақда ахборот берди. Шу пайтатча маданий меросимиз ёлгорликлари, уларни яратувчи муаллифларнинг таваллуд саналари муайян тизимсиз -- гоҳо таваккалга, гоҳо маҳаллий мансубиятига қараб нишонланарди. Маънавият маркази биринчи навбатда шу соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришга киришди. 2000 йилгача нишонланиши лозим бўлган юбилейлар жаҳвалини тузиб, Вазирилар Маҳкамасига тавсия этиди. Маданий мерос намоянда-лари ва ёлгорликларининг тўёна саналарини мана шу жаҳвалда аке этган тизим асосида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўларди. Биноба-рин, ушбу жаҳвални янада тўлдириб, такомиллаштириб бориш мумкин.

Профессор Омонулло Файзуллаев Маъна-вият маркази таъсис этилгани ва унинг бошлан-ган ишларини маъқуллаб, маданий меросни ўрганишга оид ўз мулоҳазаларини билдирди.

--Уз вақтида, зарурий тарзда тузилган юби-лейлар жаҳвалига, -- деди у, -- мен яна шулар-ни қўшимча қилмоқчиман. 1995 йилда ўзбек миллий фалсафасининг асосий тармоқлари-дан бири суҳроварий тарикатининг асосчиси Шаҳобиддин Суҳроварий таваллудига 850 йил тўлади. 1997 йили мероси дунё мамлакатлари-га ёйилган фикр йилмининг алломаси Бурҳониддин Марғилоний таваллудига 900 йил тўлади. Ушбу мўтабар саналарни, албатта, байрам қилиш бизнинг воялик бурчимиз-дир.

Миллий фалсафий меросни кенроқ тадқиқ ва тарғиб этиш тўғрисида профессор Жумабой Йўлдошев тўхтади. Шарқ маданий мероси-нинг асосий моҳияти ахлоқ-олиб масалалари-нинг ёритилишида кўринади. Аммо биз ҳануз-гача маданий меросимизнинг ахлоқий моҳия-тини етарлича ўрганиб, ҳаётга таъбиқ этиб, халқимиз маънавиятига синдирилганимиз йўқ. Бу борала «Қутадгу билиг», «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарлар битмас-туганмас хазиналардир.

Шу тарздаги турли мулоҳаза-мунозаралар-дан сўнг кенгаш аъзолари шундай хулосага келишдики, маданий меросни асраб-авайлаш, илмий ўрганиш, нашр қилиш, тарғиб ва таш-виқ этиш ишларини мувофиқлаштириш зарур. Маънавият маркази ўзбек зиёлилари маҳсули-нинг қайноқ нуқтасига, «Тафаккур» журна-ли эса зиёлилар фикрининг қаймоғини аке этти-рувчи нашрга айланиши керак.

Шариф РАЖАБОВ.

Муштарий танқид қилади

КАМЧИЛИКЛАР ҚАЧОН БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ?

Б.Т. пойтахтнинг «Ғала-банинг 40 йиллиги» мавзе-сидаги 80-уйда истиқомат қиламиз. Шу уйга кўчиб кел-либмиз ҳамки бошимиз таш-вишдан чиқмайди. Айниқса кун ора электр токи бўлма-гач... томошани кўраверинг. Шу йилнинг май ойида Ҳамза тумани ҳокимлигига арз қилган эдик. Ордан кўп

ўтмай ҳоким ўринбосари А. Раҳмоновнинг имзоси билан «Арзномангиздаги камчи-ликлар бартараф қилинди» деган жавоб хати олдик. Э, қойил-е!

80-«Б» уй ёнидаги қури-лаётган 80-«В» уй ҳам фойда-ланишга топширилгач, бир ташвишимизга ўн ташвиш қўшилди. Сабаби, қурувчи-

лар 80-«В» уйга электр то-кини 80-«Б» уйга мўлжал-ланган электр кабелига кў-шимча қилиб улаб кетишиб-ди. Энди ток бир кун бўлса, икки кун бўлмайди, газ пли-талари ўрнига электр пли-талари ўрнатилганлиги учун икки-уч кунлаб овқат пи-ширишнинг иложи йўқ, ли-ффта йўловчилар соатлаб қо-

либ кетишади. Иситиш тар-моғи ишламайди. Уйимиз атрофидаги ахлат ва чиқин-дилар ойлаб ташиб кетил-майди. Биз ёрдам сўраган туман ҳокимлигидегилар камчиликларни бартараф қилиш ўрнига... аллашди.

САЙДАЗИОВА,
ИЗМАЙЛОВА, БАБКО,
АРСЕТЬЕВА, НОМАНОВ
ва бошқалар. (Жами 48 имзо).

Чирчиқ "Электрохимпром" ишлаб чиқариш бирлашмаси турли хил халқ истеъмол молларини тавсия этади:

- 0,5 литрли идишда 25 фоизли суюқ техник аммиак;
- қўрошин аккумуляторларга қўйиш учун кислотали электролит;
- карбонат кислотаси тўлдирилган баллончаларни қайта зарядлаш;
- пневматик термослар;
- ойналар;
- рўзгор сумкалари;
- полиэтилен қоплар;
- бўялган челақлар;
- тикувчилик моллари (ўринтўшак мажмуи, мактаб фартуклари, аёллар, пахмоқ сочиқлар, чойшаблар, кўрпачалар, болалар мажмуи, пахмоқ халатлар);
- 15 ва 8 литрли қозонлар;
- автомобил эҳтиёт қисмлари (тирсакли вал юлдузчалари, киритиш ва чиқариш клапанлари втулкалари, тақсимлаш вали юлдузчалари, переходниклар, олдинги тормоз дискалари);
- электр иситкичлар;
- полиэтилен маҳсулотлар (канистрлар, банкалар, тиқинлар, қопқоқлар);
- шакл берилган ёғоч буюмлар (эшиклар, катталар ва болалар кроватлари, столлар, табуреткалар);
- ойна буюмлар (коньяк сервизлари, фужерлар, вазалар, шамдонлар, кофе сервизлари).

Маълумот учун қуйидаги рақамларга сим қоқинг:
9-36-26, 9-32-24.

Маҳсулотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:
702108, Чирчиқ ш., 8, Навоий кўчаси, 40, "Химик" фирма магазини.

Бизнинг манзил:
Чирчиқ ш., 8, "Электрохимпром" ишлаб чиқариш бирлашмаси.

"Сефар" охак-олтингугурт қайнатмасини сотиб олинг!
Қишлоқ хўжалигида кенг қўллаш мумкин. Унинг юксак самарадорлиги қуйидаги соҳаларда узоқ йил амалда қўлланиб исботланган:



- тоқзорларда - антропоноз, оидиум церкспорозга қарши;
- олма ва нокда - қўтир, чириш, монилиоз ва қора бўртмага қарши;
- олча ва олхўрида - барг доғларига қарши;
- сабзавот экинларида - оққиров, оққиров замбуруғи, ўсимликни захарловчи кана, одатда фосфорорганик ва хлорли махсус акарицидларга қарши;
- ёғза ва бошқа техник экинларга - оққиров ва ўргумчакканага, замбуруғ касалликларга қарши.

Қадоқланиши - беш литр.
Бизнинг манзил: 702108, Чирчиқ ш., "Электрохимпром" ишлаб чиқариш бирлашмаси - "Эколан" фирмаси қўшма корхонаси. "Химик" фирма магазини: Чирчиқ ш., Навоий кўчаси, 40. Маълумот учун телефонлар: 9-36-26, 9-32-24.


"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — БУ СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯДИР!

Бунақаси ҳеч бўлмаган! "Совга" лотереяси Сизга реал ютуқ ютиш имкони беради! Лотерея ўйинига автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель комплекслари, гиламлар ва турли хил халқ истеъмол моллари қўйилган.

Ютуқ чиқиш имкони катта, чунки лотереяга умумий сумманинг 70 фоизи ютуқ сифатида тарқатилади.



"СОВГА" лотереяси чипталарини Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо корхоналаридан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин. Билет баҳоси - 10 сўм.



Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳридаги "Навруз" саройида ўтказилади.

Лотерея сотиб олинг ва тиражда қатнашинг! Сизга омад тилаймиз! Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95.

Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тулиқ маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — Сизнинг оилангиз учун совагадир! "Совга" лотереясини сотиб олиб бахтли қимматбаҳо ютуқлар: автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель ва бошқа халқ истеъмол молларининг эгаси бўлишингиз мумкин.

Бир пиёла чой устида



Хар гал Қодирий ҳақида ўйлаганимда, ёки унинг киши ўқиб тўймайдиган асарларини қўлга олганимда, зоти комил Навоий ҳазратларининг табаррук сатрлари беихтиёр тилимда айланади:


Менга қилса юз жафо, бир қатла фарёд айламан, Элга қилса бир жафо юз қатла фарёд айларам.

Ҳа, ўзбекнинг салоҳият-ли фарзанди миллат шаъни, иззати, нафсонияти, гурури йўлида жафо чека-да, халқ истироҳатини ўз жонидан ортиқ қўя олди. Шунинг учун у йиллар давомида халқ қалбига эъзозланиб келинди, ошқора айтишга имкон бўлмаган пайтларда юраклардан соғиниб келинди. Бугун ўша соғинчлар сўзга айланапти, қоғозларга тушапти.

сомлик олийгоҳида ўқидим. Қарабсизки, аввал шогирд кейин уста бўлиб турибмиз (даврата енгил кулгу кўтарилади).

Халқ назарига тушган биринчи асарингизни эслай оласизми? -- Албатта! Биринчи қувонч кимнинг эсида қолмайди дейсиз. Биринчи сабоқ, биринчи имтиҳон, биринчи учрашув, биринчи фарзанд -- булар инсон қалбида бир умр сақланадиган туйғулар. 1972 йили курс

жонлаштиришга ҳаракат қилдим. Яна бир жиҳати, ўша пайтлари бу мавзуга қўл урилмаганлиги бўлса керак. -- «Ёз кечаси» номли аса-



Чунки, ўтмиши бой халқ тарихини аниқроғи ўзбекнинг ўзига хос хислатларини, сифатларини ранг-тасвирларда жонлантириш 70 йиллардаги мавжуд тузум, ғоявий қазим иллатларини фож этишдаги жасуруна ҳаракатлари, миллат учун, халқ саодати учун қуйиб ёнишлари мени бир зум бўлса-да тарк этмайд...

Алишернинг бу гаплари балким баландпарвоздек туйулар, лекин унинг айни ҳақиқати, рост сўзи шу. Бунинг учун унинг асарларига

80- йилларнинг бошларида Сурхондарёда яратилган туркум тасвирларда («Учрашув», «Оила», «Кўз», «Пошқурт», «Булутли кун», «Сурхондарё нагорморти») бу ўлканинг ўзига хос табиати, қишлоқ манзаралари, қоронғи хилват кўчалар, тоғ сўмоқлари, чекка қишлоқнинг овлоқ жойлари -- қишлоқларнинг фаровон турмуш тарзига қоришиб кетади, ўзига хос жозиба, расом мўйқаламининг фавкулдада чизгиларидан алоҳида ранг-тасвир касб этади.

Алишер Мирзаевнинг кейинги йилларда чизган асарлари тўғрисида батафсил тўхталадиган бўлсак, суҳбатимиз ҳаммида камиди бир сарҳида жой талаб этарди. Шу боис бу ҳақда унинг қисқарган хулосасини келтирмаман.

Мен нимаким тасвирлаган бўлсам, халқдан олганман. Яна умрим борица, қанча асар тасвирга улгурсам барчаси шу халқ, шу эл-юрт фидоилариники.

Шодиёр КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Юзма-юз ЮРТНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАРИДАН ИЛҲОМЛАНАМАН

иши сифатида ишлаган «Куёвлар» деган асарим «Билимлар уйи»да кўргазмага қўйилди. Ушанда роса ҳаяжон босганди. Худога шукр, кўпчиликка манзур бўлди.

«Куёвлар»ни кўпчиликка маъқул тушган томони нимда деб ўйлайсиз? -- Хабарингиз бўлса тошкентликлар қувонинг иззат-хурматини жулда жойига қўйишади. Асли ўзим эски шаҳарлик бўлганимданми, айнан шу туйғуни асарда

рингизнинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз?

-- Бу асар ғояси ҳам талабалик йилларида туғилган. Бир галги ёғи тавтилни Самарқанд -- Китоб довоғи яқинидаги қишлоқда ўтказишга тўғри келганди. Шаҳарлик бўлганим сабаблими, қишлоқ манзараси, оидин ва сўлим ёз кечалари бир зумда мени ўзига ошуфта этди, қўйди. Шу шайлолик маъсули сифатида «Ёз кечаси» яратилди. Бор гап шу. -- Ҳаётдаги идеалингиз?

диққат билан назар ташлаш кифоя. Шунда ҳали Алишер талабалик йилларидаёқ Қодирийнинг идеалига айланганининг гувоҳи бўласиз. Ўзбек тасвирий санъатига илк бор қадам қўйган Алишернинг ўша даврда яратган асарларини шунчаки томоша қилган киши, ҳеч нарсага англамаслиги тайин. Агар сизда тасвирий санъатга жиндек ошуфталик бўлса, бу асарларни ўша йилларда алоҳида журъат билан чизилганлигидан ҳайратга тушасиз.



ТАБИАТ ҚОНУНИМИ ЕКИ ТАСОДИФ?

ҲАЁТДА шундай гаройиб воқеа-ҳодисалар учраб турадики, ҳатто ман-ман деган одамлар ҳам бундай табиғат қонунларини эсимиз билмайди...

1848 йили мешчан Никитин Никитини «Ой сайёрасига парвоз этиш мумкинлиги тўғрисидаги исёнқорона сўзлари учун» кимсасиз узоқ улкага сургун қилишганди. Яна қарғаденг -- Бойқунгирга!

1973 йили Бермуд оролида моторли велосипедга ўтириб, йўл ҳаракати қондасини бузиб юрган ака-укаки тақис машинаси уриб кетди. Аммо тўқнашув кучли бўлмагани боис ака-ука тез соғайиб кетишди.

Орадан роппа-роса икки йил ўтгач, худди ўша жойдаги айнан ўша жойнинг ўзида шу ака-ука яна моторли велосипедга тақис билан тўқнашув кетишди. Полициянинг аниқлашчиси, бу сафар ҳам уйинқароқ ака-укаларини яна ўша тақисчи уриб кетибди. Тақисфиди қарангки, бу сафар ҳам тақис ичиди аввалги тўқнашувнинг гувоҳи бўлган йўловчи ўтирган экан.

1975 йили Американинг Детройт шаҳрида баланд бинолардан бирининг 14-қаватидан бир бола паства кулаб, кўчалдан ўтиб бораётган Мистер Жозеф Филлок исмли кимсаннинг бошига тушди. Роппа-роса бир йилдан сўнг худди ўша жойда ўша унинг 14-қаватидан ўша боланинг ўзи яна Филлокнинг бошига кулаб тушди. Гарчи орадан ўтган бир йил ичиди бола ўсиб, анча оғирлашиб қолган бўлса-да, бу сафар ҳам ҳеч қандай фалокат юз бермади.

1899 йили вафот этган америкалик машҳур актёр Чарльз Когданнинг жасоди ўз ватанида эмас, балки Техас штатидаги Галвестон шаҳрида дафн этилди. Сабаби -- актёр шу шаҳарда гастролда юрган эди. Орадан бир йил ўтгач, Галвестон шаҳрига ёпирилган кучли довул бир неча қўчани ва, жумладан, қабристонни ҳам ювиб кетди. Когданнинг жасоди долинби, зич ёпирилган тўрт Атлантика океанида 9(1) йил сузиб, 6.000 километр йўл босади. Ниҳоят тўқтин тобутни тўппа-тўғри Когдан туғилиб ўстан Грин Эдуард оролидаги уйи олдига чиқариб қўяди.

ТАНИҚЛИ олим Колин Уилсон бор кунин залур бўлиб қолган маълумотларни китобдан олиш учун жонини олдига келди. Шу пайт жонидан бир китоб ерга тушиб кетиб, очилди қолади. Олим бундай қараса, айнан у ахтарётган маълумотлар ёзилган бетлар очилиб қолган экан.

«Уқилиб ёнос» газетасининг ёзишчи, ақушер (лоя) Трипплет (инглизча «учлик» деган маънони билдиради) 1976 йил 15 май кунин уч марта уч эгизакни эсон-омон туғдириб олди.

КЕЛИНГ ТИЛИНИ КАЙРА ОҚИШНИК ЕКИ МАКОЛЛАР ИЗОХИ КУРАШ БИЛМАГАН ОТАСНИ ИҶКИТАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан Япония элчихонаси ўртасида Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет театрини аудио-видео ва ёриш жижоҳлари билан ташминлаш тўғрисида келишиб олинди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Ф. Рафиқов раҳбарлигидаги республикалик делегацияси Бельгия қироллиги пойтахтида амалий сафарда бўлди.

Қарочиди буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда олимлар, шoirлар, ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари, журналистлар Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги қадимий алоқалар, Мирзо Улугбек илмий меросининг аҳамияти ҳақида сўзлашди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлар, метрология ва сертификациялаш марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлди.

Устюрт ғарбидида Қорашулоқ деган жойда ишлаётган «Қоракалпоқнефтьгазразведка» экспедицияси пармаловчилари пармалаш ишларини лойиҳада кўзда тутилган -- 4500 метрга етказишга ҳаракат қилишарди.


Устюртда қон қидирув ишлари давом этмоқда.

ХАДИСЛАР Бетоблигинида сени кўргани келмаган одамни сен бориб кўравер... Киши ўз дўстининг дину дёнатиға мослашиб кетади. Бинобарин, ким билан дўстлашаётганинги ўйлаб иш тут. Сабрлик мусабатнинг биринчи дақиқаларида билинади.

ДЕЙЛ КАРНЕГИ: УЗОҚ ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ ТАШВИШУ ХАВОТИРДАН ХОЛИ БЎЛИНГ

Доктор, эримнинг ахволи мени ташвишлантиряпти. Нима бўлди унга? Унга бирор нарса тўғрисида соатлаб гапирманда, кейин бирдан гапимга у мутлақо қулоқ сомаётганини сезиб қоламан.

МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ? СОҲИБҚИРОН СУЛОЛАСИ



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҮРАБОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодий 32-36-65; Маълумот 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир -- И. Худойров. Навбатчи -- Л. Қўчқорона.